



О'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

“29” декабр 2014 у.

369 -son

Guliston sh.

Вилоят ҳокимининг 2014 йил 7 октябрдаги “Вилоятда Прфилактик Дезинфекция станциялари томонидан аҳоли ўртасида ўта хавфли ва юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш ва камайтириш ҳамда Дезинфекция станцияларини фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 302-сонли қарорига қисман ўзгартириш киритиш ҳақида.

Вилоят адлия бошқармасининг 2014 йил 28 ноябрдаги 03-2781/6-сонли тақдирномасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ қарор қиламан:

1. Вилоят ҳокимининг 2014 йил 7 октябрдаги 302-сонли қарорининг 2-банди, 5-бандининг “2-хат боши”, 7, 8-бандлари бекор қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2014 йил 7 октябрдаги “Вилоятда Прфилактик Дезинфекция станциялари томонидан аҳоли ўртасида ўта хавфли ва юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш ва камайтириш ҳамда Дезинфекция станцияларини фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 302-сонли қарорининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Туман ва шаҳар ҳокимлари:

худудий профилактик дезинфекция станциялари фаолияти қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг моддий техника базасини ривожлантириш, бинолар билан таъминлаш, самарали ва сифатли фаолият кўрсатиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиласин;

шаҳар ва туман худудларидаги ташкилот, корхона, муассасалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини худудий дезинфекция станциялари билан ихтиёрий асосда шартномалар тузиш орқали амалга ошириши тавсия қилинсин;

шаҳар ва туман ободонлаштириш, ирригация ва коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан ўз худудлари ва аҳоли яшаш жойларида доимий равишда ободонлаштириш, тозалик ишларини ҳамда тўпланган чиқиндиларни белгиланган махсус жойларга чиқаришини, ушбу жойларда доимий профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини белгиланган тартибда амалга оширишларини назоратга олсин.

7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Вилоят Давлат санитария эпидемиология назорат маркази (А.Ибодуллаев):

Профилактик Дезинфекция станцияларини самарали фаолият кўрсатишлари учун кадрлар билан таъминлаш, малакасини ошириш ҳамда уларга доимий равишда амалий ёрдам кўрсатсин.

8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Вилоят хўжалик хисобидаги профилактик Дезинфекция станцияси (А.Ярманов):

жойларда ўта хавфли ва юқумли касалликлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва хўжалик субъектларида ҳамда эҳоли хонадонларида профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини белгиланган тартибда ихтиёрий асосда шартномалар тузиш орқали амалга оширсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бўронов зиммасига юк татилсин.

Вилоят ҳокими

О.Ашурматов